



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 15 декабрь, № 260 (7218) Шанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни Қашқадарё вилоятдан қайтиши биланоқ Тошкент халқаро аэропортида мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер билан учрашув ўтказди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ўзининг 100 йиллик фаолияти давомида жаҳонда ижтимоий адолатни илгари суриш ва меҳнатқашлар ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилган Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорликни Ўзбекистон юксак кадрлаштини алоҳида таъкидлади.

Ушбу дастур доирасида мамлакатимиз меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларидан хабардорлигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тадбирлар олиб борилмоқда, меҳнат қонунчилигини бузиш ҳолатлари юзасидан тезкор чора кўришга қаратилган мулоқот механизми йўлга қўйилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг миллий координатори офиси очилди. Учрашувда ХМТ билан барча масалалар, жумладан, янги йўналишлар юзасидан конструктив мулоқотни давом

эйтириш ва шериклик муносабатларини кенгайтиришга икки томон ҳам тайёр экани таъкидланди. Гай Райдер давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юксак баҳолади.

БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига ҳамоҳанг амалга оширилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси алоҳида қайд этилди. Меҳмон мамлакатимиз меҳнат қонунчилиги нормалари халқаро стандартлар билан уйғунлашти-

САХОВАТЛИ ҚАШҚАДАРЁ ЗАМИНИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда қабул қилинган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида вилоятнинг 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалласи обод қилиниб, уларда яшаётган 300 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланганини таъкидлади.

Жумладан, 17 мингта хрўли-жой, 193 та кўп қаватли уй, 82 та ижтимоий соҳа объекти, юзлаб километр йўл вэ кўчалар, сув ва электр тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунга қарийб 300 миллиард сўм сарфланди.

Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида сезиларли ишлар қилинган, бироқ бу кифоя эмаслиги қайд этилди. Бу ишлар қўламини ошириш мақсадида Қосон, Муборак, Қамачи ва Ғузур туманлари ичимлик суви таъминоти тизимларини реконструкция қилиш, Деҳқонбод туманидаги 38 аҳоли пунктида яшаётган 104 минг кишини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилди.

Аҳолининг арзон уйларга талабини қондириш учун жорий йилда қишлоқ жойларда 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўп арзон намунали уй-жой, шунингдек, Қарши шаҳрида жами 630 жондонли 14 та кўп қаватли уй қурилди. 2019 йилда 190 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган 39 та қишлоқ ва 6 та маҳалла ободонлаштирилади. Қишлоқ жойларда 1 минг 205 та арзон намунавий уй-жой, шаҳарларда 14 та кўп қаватли уй барпо этилади, аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизнинг Буюк Британия, Эрон ва Поляшдаги элчихоналари Қашқадарё вилоятига бириктирилган. Президентимизнинг ташрифи доирасида Қарши шаҳрида ўтган тақдиротларда Буюк Британиядаги элчиси Алишер Шайхон 276 миллион долларлик 5 та лойиҳа, Поляшдаги бош дипломатимиз Баҳром Бобоев 163 миллион долларлик 8 та, Эрондаги элчиси Баҳодир Абдуллоев 61 миллион долларлик 9 та лойиҳани амалга оширишга инвестиция қилиш бўйича мақтабларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар етарли эмаслигини, элчилар ҳоржий инвестиция жалб этишни камида 2 баробар кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Элчиларимиз, булардан ташқари, 2019 йилда ҳар бир туманга қўшимча камида 10 миллион доллардан ҳоржий инвестиция жалб қилишга кўмак бериши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоятда ижтимоий соҳани ривожлантириш, таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, 2019 йилда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Ишисизликни камайтириш масаласига эътибор қаратилди. Санноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида умумий қиймати 15 триллион сўм бўлган 1 минг 200 дан зиёд лойиҳалар бўйича тақрирлар ишлаб чиқилгани, улар амалга ошиши билан 29 мингта доимий иш ўрни яратилиши қайд этилди.

Худудда туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинад. Бу борада Шаҳрисабзда йил давомида маданий-қўнғилочар тадбирлар ва анкуманлар ўтказиб бориш орқали туристларни кенг жалб қилиш учун қўна Қешни Фестиваллар шаҳрига айлантириш тақлифи берилди.

Ижтимоий ҳаётни яхшилаш учун, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш керак. Бунинг учун иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш талаб этилади. Фақат ҳам ашё етиштириш эмас, балки уни тайёр махсулот шаклида сотиш тизимини йўлга қўйиш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда пахта кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, мева-сабзавот ва полиз махсулотлари етиштириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ҳар бир туман иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда богдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди. Жойлардаги ижро органлари бу борада сусткашликка, бефарқликка йўл қўяётгани танқид қилинди.

Қашқадарёликлар бағрикенг, танти ва гурурли эл. Бу ерда амалга оширилган ислохотлар самараси ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Биз, албатта, Қашқадарё аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратамиз, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар муаммоларини ҳал этишга эътиборни қўнайтираемиз, ижтимоий таъминотга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаймиз, бунинг учун раҳбар ходимларимиздаги муद्रоклик кайфиятини, коррупцияни йўқотишимиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз видеолоқа орқали туманлардаги аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, уларнинг тақлиф ва истаklarини баҳарли бўйича муассадиларга топшириқлар берди.

Шу кўни Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислам Каримов Қашқадарёга раҳбарлик йилларида вилоят иқтисодиётини кўтариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида кўп ишлар қилгани ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида бунёд этилаётган "Ватанпарварлар" боғини бориб кўрди.

Эксклюзив интервью

Гай РАЙДЕР, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори:

«Ўзбекистон меҳнат соҳасидаги халқаро мажбуриятларга нисбатан масъулиятли ва пухта ёндашувни намойиш қилмоқда»

— Бугунги кўнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўчи сиёсий иродаси натижасида мамлакат халқаро ҳамжамиятга ўзининг очиклигини ҳамда ратификация қилинган ХМТ конвенциялари доирасидаги мажбуриятларини бажаришга юксак даражада содиқлигини намойиш этмоқда. Шунингдек, амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий меҳнат соҳасидаги кўплаб масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини самарали ва изчил таъминлаш имкониятини бераётгани эътиборга молик. Бу йўналишлардаги ишларга қасаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани диққатга сазовор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2018 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.

Мажлисида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хоржий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар довомида ҳуқуқ-тартибот органларини юклатилган вазифаларни юксак даражада бажарадиган демократик тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаси, тезкор-хизмат фаолияти қайта ташкил этилди, мазкур соҳа ходимлари аҳолига яқиндан хизмат қилиши ва халққа яқин бўлиши учун уларнинг олдига

эндиликда мутлақо янги талаблар қўйилди. Бунда тегишли тузилмаларнинг олдида жойлашган аҳоли пунктларидаги ишчи фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун қўшимча равишда ички ишлар органларининг бўлиналари ва таъин пунктлари ташкил этилиб, про-филактика инспекторларининг сони оширилди.

Таъкидланганидек, кейинги вақтда барча ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларининг эътибори бевосита маҳалларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишига ва аҳолида ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қайси кўринишига муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилмоқда. Бу борада Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш республика комиссиясининг минтақавий гуруҳлари томонидан аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунда ҳар бир содир этилган жиноятни аҳоли орасида муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Судлар «Адолат кўрғони»га айланмоғи керак

Президентимиз мамлакатимиз Конституциясини қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида барча соҳалар сингари суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ фикрларини билдирар экан, суд адолат кўрғони бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Зеро, одил бўлиш мазкур маҳкаманинг энг бирламчи вазифасидир.

Шўхрат ПОЛВОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати: — Тараққиётнинг янги босқичида ҳар бир соҳада кўламдор ишлар амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасини оласак, тизим тубдан ислоҳ қилинди ва бу ўз самарасини берди. Президентимиз Конституциясини қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган маросимда таъкидлаганидек, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 жиноят иши далил етарли бўлмагани боис тугатилди. Судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинди. Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта кўриш амалиётига бутунлай чек қўйилди. Кўриниб турибдики, ислохотлар жадал давом эттирилиб, тизим тобора янгилашиб бораётди. Шундай экан, биз, депутатлар фаолиятимизни шу жараёнларга мос тарзда ташкил этишимиз шу соҳага доир қонунчилигини янада такомиллаштириш чораларини кўришимиз зарур.

Зафар БОБОНОВ, Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди раиси: — Президентимиз судьялар олдида одил судловни рўйбга чиқаришда қўнғунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиш, ҳалол, виждонан ёндашиш талабини қўйди. Бу бежиз эмас. Қачонки, жамиятда адолат устувор бўлса, одамларнинг эртанги кўнға ишончи ортади, катта мақсадларни олдига қўйиб, олға интилади. Фаолиятимиздан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди томонидан 581 нафар шахсга нисбатан 461 жиноят иши кўрилиб якувланди. Шундан 437 нафарига нисбатан 330 та жиноят иши ҳукм чиқариш йўли билан ҳал қилинди, 112 та жиноят иши тарафлар ярашгани муносабати билан тугатилди. Шунингдек, 2 нафар шахсга оқлов ҳукмлари чиқарилди. Албатта, бу ютуқларга махлиё бўлиб қолмаслигимиз керак. Негаки, ҳали олдимизда турган вазифалар кўп.

Озода ЖўРАЕВА, Бухоро давлат университети ўқитувчиси: — Ҳаёт жуда мураккаб. Киши-эртага нима бўлишини олдиндан билмас экан. Бундан 17 йил олдин уй олиб, синглимнинг номига расмийлаштирган экан. Аммо синглим вафот этган, бу уйга турмуш ўртоғи, яъни кўвемиз эга чиқди. Икки ўт орасида қолдим. Вояга етмаган икки фарзандим билан қаргга бораман, энди нима қиламан, деган уйлар гирдобиди эдим. Яхши инсонлар маслаҳати билан Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига музокара қилдим. Зарур барча ҳужжатларни тақдим этдим. Адолат бор экан. Суд иши менинг фойдамга ҳал қилди. Энди мен учун ташвишли кўнғун ортада қолди. Болаларимнинг эртасидан ҳам кўнғуним тўқ, Чунки ҳақиқат қарор топди.

«Халқ сўзи» мухбири Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёнб олди.

САХОВАТЛИ ҚАШҚАДАРЁ ЗАМИНИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шавкат Мирзиёев жорий йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги Ислам Каримов кўчасида жойлашган Болалар боғи номи "Ватанпарварлар" деб ўзгартириш...

Боғни барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан гурурланиш туйғусини кучайтириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз номи...

Қарийб 7 гектар ҳудуддаги "Ватанпарварлар" боғи ана шу мақсадларга ҳамоҳанг тарзда янги қиёфа касб этмоқда. Бу ерда 2018-2019 йилларда 29,3 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди...

Боғ ҳудудига Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган, турли йилларда хизмат қилган 24 та ҳарбий техника макети ўрнатилган. Махсус тайёрланган блендажи кўрган киши кўз ўнгига Иккинчи жаҳон урушида мардонвор жанг қилган ватандошларимиз келади...

Боғда ўрнатилган Ўзбекистон харитасининг улкан макетида ҳар бир вилоятнинг буюк шаймолари, қадимий обидалари, сервико тоғлари, дарёлари, бейноб кенгликлари акс эттирилган.

Мухтасар айтганда, бу ерга ташриф буюрувчилар Ўзбекистонимиз ҳудудлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Боғ яқинида қурилган 4 та замонавий кўп қаватли тураржой, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳудуд манзарасини янада гўзаллаштиради.

Президентимиз боғда яратилган шароитларни кўздан кечириди, таълим муассасаларидаги "Жасорат" гуруҳлари аъзолари билан суҳбатлашди.

Бундай масканлар ёшларга халқимиз тарихи, маънавияти ва маданияти ҳақида яққол таассурот беради. Энди бундан самарали фойдаланиш, ушбу масканга ёшларни кўпроқ олиб келиб, очик дарслар ўтказиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган ҳиссасининг аҳамиятини ёшларга етказиш, тинчлик-осойишталигимиз учун катта хизматлар қилган ватандошларимиз ҳақида сўзлаб бериш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбири "Ватанпарварлар" боғи ёнида қад ростлаган янги сув спорти мажмуаси билан танишди. Ушбу замонавий иншоотда 25х11 метрлик тўрт йўлдан иборат иккита сузиш ҳавзаси мавжуд. Ташқи кўриниши парвоз қилаётган қушни эслатадиган иншоот ҳавзасидаги сув махсус филтёрлар ёрдамида тўлиқ янгилаб турилади.

Шавкат Мирзиёев бу ерда шуғулланаётган ёш спортчилар билан суҳбатлашди, уларга келгуси мусобақаларда омадлар тилади. Шу билан Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи аяқланди.

Улугбек АСРОВ, Умар АСРОВ, Зийдулла ЖОНИБЕКОВ, Ўза махсус мухбирлари.

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Тошкентда 14 декабрь кунини Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида "Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида муносиб бандлигини таъминлаш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон, шунингдек, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлар мутахассислари, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЕЭК, Халқаро миграция ташкилоти, Оснб тараққиёт банки экспертлари иштирок этди.

Унда меҳнат миграциясини тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер сўзга чиқди.

Дунёда кечаётган сўянги воқеалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, жамият, иқлим ўзгармоқда, глобаллашув, миграция жараёнлари тезлашган, — деди ХМТ бош директори. — Буларнинг барчаси биздан меҳнат муносабатлари келажатини эздиқ билан таҳлил қилишни тақозо этади. Бугунги анжумандан ҳам айни мақсад кўзланган.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Мамлакатимиз ХМТнинг 14 та конвенциясини ратификация қилган.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари доирасида ҳужумат даражасида олиб борилаётган ишлар мазмунига тўхталиб, Ўзбекистонда меҳнат муносабатларига зид ҳолатларга йўл қўйилмаслигини қатъий таъкидлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат концепцияси иш ўринлари яратиш ва самарали бандлигини таъминлаш, хавфсиз шароитлардаги меҳнат кафолати ва ҳуқуқларини таъминлаш, мақсадли ижтимоий ҳимоя, соҳа қўнунчилигини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни фойдаланиш каби стратегик вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Қудбийнинг қайд этишича, мамлакатимизда ушбу концепция доирасида болалар ва аёллар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Анжуманда халқаро экспертлар томонидан бугунги кунда меҳнат муносабатларига дахлдор қарашлар эскирган, жамият ривожланишининг янги қўнунчи шаклларига мутож экани қайд этилди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Оснб мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Хайнц Коллер глобаллашув, ахборот технологиялари тараққиёти жараёнида "иш ўрни" тушунчасини қайтадан қўриб чиқиш зарурлигини таъкид қилди.

— Глобал мижёда олиб қараганда, муносиб иш ўринлари тақсимоти адолат мезонларидан оғинганга гувоб бўлиш мумкин, — деди Х. Коллер. — Рақамлар мисолида айтилганда, жаҳонда ҳар 10 кишидан икки нафари доимий иш жойига эга, холос. Бугун меҳнат бозорига кечаётган яна бир муҳим ҳодиса ишчи кучи сонининг ортб бораётганидир. Ҳисоб-китобларга қўра, 2030 йилга қадар, ривожланаётган давлатларда ишчи кучи ўртача 60 фоиз ўсади.

Ўзбекистон аҳолиси йилдан-йилга кўпаймоқда. Ишсизликка барҳам бериш мақсадида мамлакатимизда ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани эътиборга молик. Бунда ишхўрлар натижаси ўларок, иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Жорий йилда АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонни пахта етиштириш ва териб олишда болалар меҳнатидан фойдалангани мамлакатлар рўйхатидан чиқарди, ХМТнинг дастлабки ҳисоботида эса мажбурий меҳнатга қарши курашишда Ўзбекистонда салмоқли юксалишлар кузатилагани қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда 2018 йилги пахта ҳосилини териб олиш мавсуми давомида мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларининг ХМТ халқаро экспертлари ва ҳуқуқ шимоячилари иштирокида қабул қилинган мониторинги ҳулосалари билан таништирилди.

Жорий йилда мамлакатимизда талабалар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари пахта йиғим-теримида жалб этилмаган. 2017 йилдаги нисбатан кўнра пахта териш тарифи 30 фоиз оширилган. Мансабдор шахсларнинг аҳолини мажбурий меҳнатга жалб қилгани учун жаза чоралари кучайтирилган. Хусусан, 200 дан зиёд раҳбар ходимлар айни ҳолат бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган.

Анжуман ўз иштини янги сессияларда давом эттирди. Унда муносиб меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат миграцияси хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш, меҳнат муносабатлари истиқболларининг фундаментал тамойиллари каби устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Иштирокчи давлатларнинг ушбу соҳадаги фаолиятига доир тақдимотлар ташкил этилди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов сўзга чиқди.

Маҳолат ҲУСАНОВА, Ўза мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бугунги кунда ҳар ой якунида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари олдида ички ишлар бўлими раҳбарлари билан масалалари бўйича 198 нафар ўринбосари, маҳалла ахли олдида 6 минг 896 нафар профилактика инспектори амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Мазкур ҳисоботларнинг якунари бўйича ўз вазибаларини сидқидилдан бажариб келаётган профилактика инспекторлари рағбатлантирилди, хизмат вазибаларига виждонан муносабатда бўлмаганларга эса интизомий ва маъмурий жаза қўлланилди.

Шунга қарамай, бугунги кунда фуқароларнинг ички ишлар ходимларига нисбатан ишончи лозим даражада, деб бўлмади. Гарчи хизмат интизомини бузиш ҳолатлари кескин камайган бўлса-да, ҳуқуқбузарликлар, фуқаролар билан муносабатларда уларга нисбатан қўполлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш зарурати қайд этилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигини Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги ҳисоботи эшитдилар.

Бу борада муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимликлари ва компаниялари ҳамда хорижий шериклар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида умумий суммаси 6 миллиард долларлик 80 дан ортқ ҳужжатлар имзолашда кўмак берилди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йил ноябрь ойининг охирига қелиб, Ўзбекистоннинг дипломатик миссиялари томонидан умумий қиймати 21 миллиард долларлик 372 та лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Хорижий муассасалар томонидан Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига бағишланган қарийб 250 та тақдимот ўтказилди. Дипломатик миссиялар 50 дан ортқ туризм кўргазмаси ва ярмаркаларда иштирок этди.

Шу билан бирга, вазирлик фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш фойдаланилмаган катта салоҳият ҳамда ҳал этилмаган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Жумладан, идораларо ҳамкорликни таъминлаш муаммоси ҳанузгача ҳал этилмаган, ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёни ёки ташрифлар якунари тўғрисида ахборот олиш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари билан аниқ ўзаро алоқа механизми мавжуд эмас, бу эса икки томонлама ҳамкорликнинг чинакам ҳолатини билишни, уни янада ривожлантириш бўйича долзарб тавсиялар тайёрлашни чеклайди.

Мамлакатимиз товарлари экспортини ривожлантириш, инвестициялар ва туристларни жалб қилиш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилишда Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналарнинг хорижий муассасаларнинг тақдирлари соҳага иктисослашган идоралар ва вилотлар ҳокимликлари томонидан узоқ кўриб чиқилиши билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда.

Бу бир қатор муҳим икки томонлама тадбирларнинг мажбуран бекор қилинишига ёки қўрилишига сабаб бўлмоқда. Ҳокимликлар фаолиятида идораларо шериклаштириш етишмаслиги, хорижий мувофиқлаштирилган ҳамкорлик бўйича аниқ режалар ишлаб чиқишга расмийлик юзасидан муносабатда бўлиш салқинлиб қолмоқда.

Ташрифларнинг инвесторлар билан мақсадли ишлар олиб борилаётгани, ҳамкорлик шартлари, шартномалар қийматлари келишиб олинмапти. Охир-оқибат учрашув-

лар аниқ шартномалар ва мақсадли битимлар тузиш ўрнига ҳамкорлик тўғрисида оддий меморандумлар имзолаш билан якунланмоқда.

Хорижий муассасалар кўп сонли ҳисоботлар тайёрлаш билан ҳаддан ортқ кўп шуғулланиши ишлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ҳолат, айниқса, ходимлар штатининг чекланганлиги ҳисобга олинса, хорижий муассасаларга

665 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22-23 июнь кунлари ва 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи вақтида билдирилган топшириқларни ижро этиш доирасида 380 та лойиҳа тасдиқланди.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда айрим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг депутатлари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, маҳаллий Кенгашларда 500 дан зиёд мансабдор шахсларнинг аҳолини ташвишга солаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича долзарб лойиҳаларни қўриб олиш, масъул тузилмалар раҳбарлари 300 дан ортқ депутат сўровлари (муносабатлари) юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Фарғона вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар.

Муҳокама қилинган якунари бўйича вилоятни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш юзасидан вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари жавобгарлигини оширишга қаратилган Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг, сенаторлар "Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари 2019 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш дастури тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Дастур лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томоққа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилгани таъкидланди.

Муҳокама якуни бўйича Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Ариповга қаратилган контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қўнун ҳўжатларни ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани ҳам қўриб чиқдилар. Қайд этилгандек, мазкур соҳада қўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳарбий хизматчиларнинг профессионал маҳорати, интеллектуал салоҳияти ва ҳарбий тайёрларлиги даражаси ошди, уларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича долзарб лойиҳаларни қўриб олиш, масъул тузилмалар раҳбарлари 300 дан ортқ депутат сўровлари (муносабатлари) юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Фарғона вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар.

Муҳокама қилинган якунари бўйича вилоятни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш юзасидан вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари жавобгарлигини оширишга қаратилган Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг, сенаторлар "Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари 2019 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш дастури тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Дастур лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томоққа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилгани таъкидланди.

Муҳокама якуни бўйича Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.



диққат-эйтиборни аниқ натижага қаратиш имконини берамапти.

Бугунги кунда Ўзбекистон инвестиция салоҳияти тўғрисидаги чет тилларда сифатий тайёрланган мазмунан бой материаллар ҳали ҳам етишмаслиги кузатилмақда.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тавсиялар билдирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари 2019 йилги иш режаларини тузишда экспортнинг импортга нисбатан жадал сурьатларда ўсишини, айниқса, узоқ хориж мамлакатларидан туристлар оқими ошишини таъминлаш зарур.

Шунингдек, Қорақалғистон Республикаси ва вилоятларнинг инвестиция ва туристик салоҳиятини таъминлаш учун Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналарнинг янги ходимлари учун республика ҳудудларида гуруҳ бўлиб мунтазам ташрифлар ташкил этишни амалиётга жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Фарғона вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини ҳам эшитдилар.

Қайд этилгандек, 2018 йилда ҳудудни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан фойдаланиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмлари ўсиши 105,3 фоизга етди, жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 90 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравардан ортқ ошди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2930 та кичик бизнес субъекти фаолият бошлади ва уларнинг сони қарийб 29 мингга етди.

Улар томонидан қиртилган инвестициялар ҳажми 1,5 триллион сўмдан ортқини ташкил этди. Натижада ҳудудда янги иш ўринлари сони ортмоқда, уларга, асосан, ёшлар жойлаштирилмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 2 триллион 552 миллиард

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Қонунлар ижроси устидан қатъий назорат олиб бориш белгиланди

Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси иккинчи кунинда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларига оид масалалар муҳокама этилди.

Қабул қилинаётган қонунлар ижроси устидан назоратини яна бир бор таъкидланди. Мухбиримиз бу ҳақида сенаторлар билан суҳбатлашди.

Муҳаммадjon МАКСУДОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Биз Ички ишлар, Ташқи ишлар вазирликлари, Фарғона вилояти ҳокимияти тегишли мавзулар юзасидан ахборот ҳамда ҳисоботларини эшитдик.

Тўғри, ҳудудларда соҳалар доирасида жуда катта ишлар қилинапти. Меҳнат-жаза катта ишлар ўзгармоқда. Аммо ишга муносабат ўзгармоқда. Аммо шундай бўлса-да, ҳали ҳам эскича иш услубидан чиқиб кетолмаётган, бунинг оқибатида иш тўғри йўлга қўйилмаётган тармоқлар бор.

Мисол учун, Ташқи ишлар вазирлиги ахборотида бу борадаги бир неча камчиликлар айтиб ўтилди. Айниқса, чет эллик ҳамкорлар билан бирга имзолаётган ҳужжатларни идораларо мувофиқлаштириш тизими мавжуд мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмас.

Ишлаб чиқилган лойиҳалар ёки ташрифлар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари билан "қайта мулоқот" қилишининг аниқ механизми йўқ.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Фаррух ДАДАХЎЖАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси: — Йиғилишда яна бир масала сенаторлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишлаб чиқиш бўйича юзаси муносабат мавжуд.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ҳокимликларнинг ишида чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг махсус режаларини ишла



САЛОМАТЛИК

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

"Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустақамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қонданинг ижросини таъминлаш — халқимиз генофондини асраш ёки оддий қилиб айтганда, давлат ва жамият тараққиётининг кафолатидир, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз".

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.

Жужанна ЯКАБ,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори:
— Мамлакатингиздаги тиббиёт соҳасига оид ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораёмиш. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ўтказилаётган ўқув ва йўналишлар, чет эллик юқори малакали мутахассисларнинг Ўзбекистонга жалб қилинаётгани соҳани янада ривожлантириш ҳамда аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртингизда соғлиқни сақлаш тизимини янада яқинлаштириш ва болалар ўлимнинг кескин камайганидир. Одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли ўсиб бормоқда.
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мамлакатингизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тўла қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар

кўплаб давлатларга намуна бўлади. Зеро, сўнгги икки йил ичида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 130 га яқин ҳужжатларнинг қабул қилиниши жаҳоннинг биронта давлатида кузатилмаган. Айниса, дунё давлатларининг энг илғор тажрибаларини ўзида уйғунлаштирган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси, ишонманки, аҳолига тиббий ёрдам



кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, фан ва технологияларнинг замонавий ютуқларини жорий этиш, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Феруз НАЗИРОВ,
академик **В. Воҳидов** номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия маркази директори, академик:

— Президентимиз ташаббуси ва бевосита топириғи билан тиббиёт муассасамизда органлар трансплантацияси бўйича замонавий операциялар амалга оширилмоқда.
Тўрт мунча саломат бўлсин, деган ибора беҳиз эмас. Зеро, вужудимизда ҳар бир аъзоннинг меъёридаги фаолияти соғлом ва бахтли ҳаёт кечирishiимизда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ иссиқ жоннинг иситмаси бор. Гоҳида одам организмидagi баъзи аъзолар фаолияти турли сабабларга кўра буткул издан чиқади. Ушбу жараёнда уларнинг ўрнига соғлом аъзоларни кўчириб ўтказиш инсон саломатлигини тиклашда энг самарали ечимдир. Масалан, яқин вақтга қадар буйрак етишмовчилигининг сўнгги босқичига ўтган беморлар ҳаётидан умид қилинмас эди. Эндликда буйраклар трансплантацияси ёрдамида бундай касаллик билан оғриган беморлар тўлақонли соғлом ҳаётга қайтмоқда.



дай юқори технология операцияларга муҳтож инсонлар катта маблаг ва вақт сарфлаб, юртимиздан четга, хусусан, АҚШ, Германия, Россия, Хиндистон каби тиббиёт ривожланган давлатларга боришига тўғри келарди. Моддий имкониятга эга бўлмаган беморлар эса тақдирга тан беришга мажбур эди. Бугунги кунда эса мамлакатимизда маҳаллий шифокорлар ва хорижий мутахассислар ҳамкорлигида ўтказилаётган ноёб жарроҳлик амалиёти беморларнинг яна оёққа туриб, соғлом инсонлардек яшاشига имкон бераётгани ҳар биримизни беҳад хурсанд қилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда аъзолар ва тўқималар трансплантацияси руҳсат берилиши халқимиз томонидан узоқ кўтилган муҳим янгилик бўлди. Чунки ана шундан

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод КАРИМОВ эзиб олди.



Ботир ДАМИНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори:

энг катта талаблардан бири кадрларни тайёрлаш вазифасидир. Олий таълим муассасаларида профессионал кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалалари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ечимини кузатишда яна бир масала бор: талаблар қайси адабиётлар асосида ўқитилди? Шифокорлар-чи? Ўқув юртлирини битираётган ёш кадрларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳоз билан ишлаш олиш кўникмаси қандай? Қувонарлиси, Концепцияда мазкур масалалар ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳужжатдаги яна бир жиҳат — соҳада инновацион технологияларни ривожлантириш масаласи.

Жаҳонда тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш мақсадида тиббий стандартлаштириш тизими шакллантирилган, ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг юқори технология усуллари жорий қилинган, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделлари яратилган. Концепция асосида юртимизда ҳам соҳа инновацион технологияларни кенг жалб этиш, «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий қилиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграцияланган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш белгилангани тизимини халқимиз истаётган юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

— Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тасдиқланган 2025 йилгача тизимни ривожлантиришнинг 7 йиллик Концепцияси соҳани жаҳон стандартларига мос тараққиёт босқичига кўтаришда алоҳида аҳамиятга эга.
Соҳа ходимлари олдига қўйилаётган



Семинар

ОАВ БИЛАН ТУЗИЛГАН МЕМОРАНДУМ ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРЯПТИ

Айни пайтда Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази таниқли режиссёр ва кинорежиссёрлар иштирокида баъдий ҳамда ҳужжатли фильмлар тайёрламоқда. Унинг дастлабки қисми марказ ташкил этилган кун арафасида эфирга узатилиши кутилган. Фильмларда марказнинг йил давомида амалга оширган ишлари, прокуратура органлари томонидан очилган жиноятлар ва бошқа масалалар қамраб олинди.
Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган семинарда маълум қилинди. Унда қатнашган маҳаллий ва хорижий экспертлар, давлат идоралари вакиллари, журналистлар мазму доирасида ўз муносабатларини билдирдилар.
Бобур АЛИХОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази директори:

— ОАВга ҳақиқий ва фидойи журналистлар керак. Улар ўз соҳасини ипидан игнасиғача билсин. Лекин афсуски, ҳамма жойда ҳам бундай эмас. Улар орасида журналистикани яхши тушунайдиган бошқа соҳа вакиллари ҳам кўрасиз. Мазкур ҳолат ОАВ тараққиётига путур етказди.
Бугунги кунда марказда нафақат ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳлар, содир этилган жиноятларга оид тафсилот-

Шерзодхон ҚУДРАТҲУЖАЕВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, «Халқроқ пресс-клуб» раиси:

— Тезкорликда биринчи бўлган, деб ҳолислик ва ҳаққонийликни қўлдан бой бериши, бу — журналистика қонун-қоидалари ҳамда этикасига ҳам тўғри келмайди. Ахборот ортидан қувийш керак, лекин журналистиканинг олтин қондиларини четлаб ўтмаслик лозим. Бугун юртимизда фаолият юритаётган баъзи ижтимоий тармоқлар, хусусан, интернет-сайтларида ана шундай ҳолатлар кузатиляпти. Журналистлар малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш керак. Шу мақсадда университетимиз қошида ҳуқуқий ва журналистиканинг бошқа йўналишларида малака ошириш курсларини ташкил этмоқчимиз. Қолаверса, ҳарбий журналистларни тайёрлайдиган йўналиш ҳам очилиши режалаштирилган.

Юрген БЕКЕР,
ЕХТТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори лойиҳалар бўйича катта маслаҳатчи:

— Ўзбекистонда сўз эркинлиги таъминланган. Айниса, бу борада ОАВда сезиларли ўзгаришлар кузатиляпти. Давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар эса ОАВ учун очик. Биз ушбу йўналишда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда узаро тажриба алмашиш, янги лойиҳаларни татиқ этишдан манфаатдоримиз.
Конструкция тарзда ўтган семинарда муаммо ва камчиликлар ечимига доир тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилиб, шу асосда ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.
Роҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шов-шув ортидан қувиб, хатога йўл қўймаганг

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ислохотлар даврида оммавий ахборот воситалари: ахборот трансформацияси ва касб этикаси муаммолари» мавзусидаги семинар-тренингга тақлиф қилганида, беихтиёр шундай саволлар тугилди: нима учун айнан ушбу вазирлик журналистларга бундай тадбир ташкил этипти? ОАВ фаолиятига дахлдор бошқа идора ва ташкилотлар турганида, ахборот тарқатиш, касб этикаси бўйича уларнинг бизга семинар ўтиши қай даражада тўғри?

Анжуман

Пойтахтимиздаги «Wyndham Tashkent» меҳмонхонаси залида уч соат давом этган анжумандан сўнг шу каби саволларимизга жавоб топдик ва мутахассислар билан журналистлар, блогерларнинг юзма-юз учрашиб, ахборот тарқатишда йўл қўйилаётган камчиликлар, қўнғунбузилиш ҳолатлари ҳақида очик-ойдин гаплашиб олиши айни зарурат экан, деган хулосага келдик. Бунинг асослари бор...
Адлия вазирлиги Русланбек Давлетов кейинги вақтларда ўткир журналистик материаллар, таҳлилий мақолалар ва кўрсатувлар, тажрибали ҳамда профессионал журналистларнинг интернет нашрлари орқали чиқишлари жамоатчилик фикрини шакллантиришга иккунли туртки бераётганини ало-

аташ, талқин қилиш ёки унинг юзидан очик-ойдин оммага кўрсатиш қонун нормаларига зиддир. Бундай ҳолатлар, афсуски, гоҳида учрамоқда. Қолаверса, жиноятчилик ҳолатлари тўғрисидаги материаллар баъзан антиреклама вазифасини ўтапти. Мисол учун, вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиши билан боғлиқ хабарларнинг ОАВда берилаётгани шундай ёшдагилар онгда «муаммонинг ечими шу экан-да», деган тушунчани шакллантириб қўяпти. Ўз навбатида, баъзи оммавий ахборот воситаларида қонга булганган пичокнинг тасвирини келтириш оддий ҳолга айланган қолди. Лекин бундай ахборотлар айрим шахслар руҳиятига салбий таъсир этиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллионга етди. Ижтимоий тармоқлар («Facebook», «Instagram», «Telegram»)да бир кунда 1,6 миллион фойдаланувчи фаолдир. Бунинг иккунли жиҳатлари кўп. Лекин шуниси ҳам борки, ижтимоий тармоқ, бу — оғизга келганини айтаверадиган, истаган ахборотини тарқатаверадиган жой эмас. Ундан фойдаланишнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор. Афсуски, айримлар бунга амал қилмаётти. Сабабсиз агрессия, оммавий ҳақорат ва тўхмат қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Натияжада 2017 йилда 37 минг 805, 2018 йилнинг биринчи ярмида эса 41 минг 841 нафар фуқаро оммавий тўхмат ва ҳақоратга айбонлиб, маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундан тўғри хулоса чиқариш керак.
Анжуманда бирор сайт рейтингини ошириш учун қандайдир шов-шувли ахборот эълон қилса, унинг тўғри ёки нотўғрилигини текширмай, бошқалари ҳам дарров ўшани манба қилиб олиб, кун бўйи «айлан-тириши» танқид қилинди. Блогерларнинг мажбуриятлари хусусида ҳам фикр юритилди.
Қисқаси, жуда кўп масалалар, фикр-мулоҳазалар билдирилди, тақлифлар ўртага ташланди. Адлия вазирлиги журналистларини ҳамкорликка чақирди. Семинар доирасида, шунингдек, ОАВ вакиллари учун чиқарилган амалий қўлланма-нинг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.


Шавкат ОРТИКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энди қалбаки маҳсулотлар бозордан жой олмайди

Маълумотларга кўра, бугунги кунда халқроқ миқёсдаги умумий савдо ҳажмининг 7 фоизи ёки 1 триллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар қалбаки экан. Дунёдаги истеъмол қилинаётган алкоголь маҳсулотларининг 30 фоизи қўлбола усулда тайёрланганига нима дейсиз?
Дори-дармонлар статистикаси ҳам одамни хушёр торттириши аниқ: жами ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларининг 10 фоизи сохта препаратлар улуғига тўғри келади.

Ачинарлиси, сўнгги 5 йилда улар билан савдо қилиш 90 фоиз ошган. Қўлбола дори воситалари йилга 700 минг одамнинг умрига зомин бўлмоқда. Энг ёмони, қўлбола тамаки маҳсулотлари таркибидagi кўроғошин 6 марта, қатрон 160 фоиз, углевод оксиди эса 133 фоиз кўп. Айнан тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасидан жаҳон мамлакатлари бюджети 40 миллиард АҚШ долларида ортиқ маблаг йўқотади. Бу — жаҳон миқёсида. Ўзбекистонда ҳам шунга оид рақамлар кичик эмас.
Кўрилатган комплекс қораларга қарамай, ноқонуний айланмаётган, паст сифатли, контрафакт ва қалбақлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши кузатилмоқда. Алоҳида турдаги товарларнинг республикага ноқонуний олиб килиниши ёхуд ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва истеъмол қилиниши кишини ташвишга солади, албатта.
Президентимизнинг «Алоҳида турдаги товарларни маркировка-

қилиш, ўғитлар ҳамда дори-дармон воситалари киритилди.
Ўз навбатида, жарима санкциялари миқдорларининг оширилишини киритган ҳолда товарларни маркировкасиз сотганини учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси, шунингдек, товарларни химояланган белги ҳамда нано-молекуляр технологиядан фойдаланиб, мажбурий маркировкалаш тартиби ишлаб чиқилди.
Товарларни маркировка қилиш



ши мажбурий бўлган 47 номдаги товарлар рўйхати тасдиқланди. Улар қаторига идишларга қадокланган сув, шарбатлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, спирт, тез муддатларда ўз самарасини беришига амин бўлиш учун жаҳон таърибасига мурожаат қилиш ўринлидир: Масалан, уни жорий қилган Туркияда биринчи йилнинг



«Халқимиз ардоғидаги пенсионерлар қаторида эканлигимиздан хурсандимиз»

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини бугун Ўзбекистон халқи катта ҳаяжон билан тинглади. Айниса, инсон манфаатларига қаратилган «Шарихонсой» МФЙ раиси, «Эл-юрт хурмати» ва «Дўстлик» орденлари соҳиби:

Муносабат

Тожибархон ЮЛДАШЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Хўжабод туманидаги «Шарихонсой» МФЙ раиси, «Эл-юрт хурмати» ва «Дўстлик» орденлари соҳиби:

— Давлатимиз раҳбарининг пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги фикрларини эшитиб, гоҳида кўнглим кўтарилди. Зеро, қайсики юрtdа кексаларга хурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларга бўлган эътибор юксалар экан, шу давлатнинг келажиги ҳам шундай бўлади.

Орадан бир неча кун ўтиб, Президентимиз томонидан «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони имзоланиши бунинг амалий тасдиғи бўлди. Унга кўра, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаётган пенсионерларга пенсияси тўлиқ миқдорда бериладиган бўлди. Қолаверса, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача ошириш тўғрисидаги тақлифлар маъқулланди.

Маҳбуба МУИНОВА,
Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Кўп йиллардан буён ёшларимизга сабоқ бераман. Пенсияга чиққангидан кейин ҳам ўз севган ишларимни давом эттиришга тўғри келди. Жаҳон фойдам тегаётганидан мамнунман. Аммо ҳар сафар пенсия пулининг ярмини оларканман, деган ўйи кўнглимдан ўтарди...

Давлатимиз раҳбари тантанали тадбирда биз, пенсионерлар ичидagi шу каби уйларга, таъбир жоиз бўлса, муаммога ечиб топиб берди. Яқинда қабул қилинган Фармон билан унинг ҳуқуқий асоси ҳам яратилди.
Эндликда ҳам ойлик иш ҳақимизни, ҳам пенсия пулимизни тўлиқ оламиз. Бундан нафақат пенсионерлар, балки ҳар бир юрtdошимизнинг шод бўлгани аниқ.

Абусалом ЖОНИБЕКОВ,
Гулистон давлат университети ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази кафедраси доценти, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Энди ҳар бир инсон пенсия ёшига етар экан, кўп йиллик меҳнатига яраша муносиб рағбат топадиган бўлди. Бундан гоҳида мамнунимиз.
Рости, акарият фахрийлар бирон жойга ишга чақирилса, пенсия пули билан тақлиф этилаётган иш ҳақини ҳисоблаб кўриб, кейин рози бўлишарди. Ўзининг тажрибаси ва малакаси жуда зарурлиги, албатта, пенсияда бўлса-да, жамиятга кераклигини маъсулият билан ҳис қилган қўлбал кекса мутахассислар пенсия пулининг баракаси учса-да, ўз соҳаларида ишини давом эттиришарди.
Келгуси йилдан вазият ўзгаради. Пенсия пули тўла қўлимизга тегади. Бу биз, фахрийларнинг юртимизга ва хорижга сабақ қилишимиз, қариганда амалга ошираман, деган орзу-хавасимизни рўёбга чиқаришимизга катта имконият яратади.

«Халқ сўзи» мухбирлари эзиб олди.



Ўзидаёқ тамаки ва алкоголь сотувидан тушган солиқлар миқдори 34 фоиз ошган, Малайзияда эса давлат бюджетига 100 миллион АҚШ долларида ортиқ қўшимча тушмоқда эга бўлган.
Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жаҳон миқёсида асосий гуруҳдаги товарларни маркировка қилишда хизматлар нархи 1 000 бирликдаги маҳсулот учун 5 евродан 25 еврогача бўлган миқдорда баҳоланган. Бизда эса бу тартиб амалиётга киритилган, мингта эмас, балки битта маҳсулот учун бу хизмат 50 сўмдан 240 сўмгача тушиши мумкин.
Яна бир муҳим жиҳат шундаки, эндликда сифатли маҳсулот сотиб олишимиз учун кафолат яратилди. Бундан ташқари, бундай маҳсулотлар сотувидан газнага тушадиган пул миқдори ҳозиргига нисбатан 25 фоиз ортади.
Халқона ибора билан айтганда, «Асилга ишонич, сохтадан тониш» ҳеч кимнинг қадрини туширмаган, аксинча омонларга кўтарган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Р. ОТАМУРDOV тайёрлади.

Долзарб мавзу



БАЛИҚ ҚАЧОН АРЗОН БЎЛАДИ?

Табий меъёрларга қўра, бир киши йил давомида ўртача 14 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши тавсия этилади. Чунки бу неъмат таркибида инсон саломатлиги учун зарур қўллаб фойдали моддалар мавжуд бўлиб, унинг ўрнини қоплашнинг муқобили йўқ.

— Бош мия фаолияти, организмдаги моддалар алмашинуви жараёнини яхшилашда, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ҳамда эндокрин хасталикларни профилактикасида балиқ маҳсулотига тенг келадигани топилмайдми, — дейди тиббиёт фанлари доктори Шоҳида Абдумажидова. — Айниқса, болалар ҳафтада 2 марта балиқли таом истеъмол қилишлари зарур. У қариес, соч тўкилиши каби хасталиклардан асрайди. Бундан ташқари, қўзни равшанлаштиришда, хотирани мустаҳкамлашда, умрни узайтиради.

Қонда холестерин даражаси кўтарилганда, камқонлик, суюқ синишлари, беҳоллик ва жисмоний зуриқишда, неврозда ҳам балиқ гўшти истеъмол қилиш кўни фойдадир. Организмнинг инфекцияларга қарши курашиш хусусиятини оширади ва иммунитетни кўтаради. Шу маънода, инсон озқовқат рационидида балиқ маҳсулотлари бўлиши жуда муҳимдир.

Ана шундай фойдали хусусиятлари сабаб балиққа эҳтиёж ҳар доим юқори бўлган. Бироқ етиштирилган «луқмаи ҳалол» Ўзбекистонимиз аҳолиси эҳтиёжини қондира оладими? Юртдошларимиз ушбу фойдали маҳсулотни белгиланган меъёрга истеъмол қиладими?

Афсуски, кейинги пайтда тармоқда ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Негаки, балиқ нархи ҳали кўпчилик учун қимматлик қилаётгани аниқ ҳақиқат. Муаммонинг сабабларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Таннархни уч марта пасайтириш мумкин

Кейинги пайтда бозорларимиз расталарида балиқ ва балиқ маҳсулотлари нисбатан кўпайганини

- Тиббиёт нуқтани назаридан бир киши йил давомида ўртача 14 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши лозим.
- «Ўзбекиликаноат» уюшмасига берилган 200 минг гектар табий сув ҳавзаларининг 150 минг гектари балиқ овлаш хўжаликларига ижара шартномаси асосида бириктирилган.
- Айни пайтда республикамизда сунъий сув ҳавзалари майдони 37 минг гектарни ташкил этади.

айланди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан охиригича йилда қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, дастлаб «Ўзбекиликаноат» уюшмаси ташкил этилгани, унга берилган 200 минг гектар табий сув ҳавзаларининг 150 минг гек-

тарини балиқ овлаш хўжаликларига ижара шартномаси асосида бириктирилгани, сунъий сув ҳавзалари 37 минг гектарга етказилгани бунга мисол бўла олади. Натигада ҳозирги пайтда балиқчилик хўжаликлари томонидан 45 та табий сув ҳавзасига 3 240 та қафас мосламаси ўрнатилиб, балиқ етиштирилмоқда. Аммо бу каби сазой-ҳаракатлару берилаётган имтиёزلарнинг самараси амалда тўлақонли сезилмаётти.

— Балиқчилик ривожини, асосан, уч омилга боғлиқ, — дейди тажрибали фермер Маматқул Саломов. — Булар — сув, қўш ва озуқа. Ўзбекистон жугрофий жиҳатдан денгиз ва уммонлардан

олисада жойлашган бўлса-да, нафақат юртимиз аҳолиси эҳтиёжига яраша, балки ундан ҳам кўп балиқ етиштириш учун сув ресурслари мавжуд. Йилнинг 320 кунини қўйиш бўлади. Лекин озуқа масаласи балиқчиларнинг энг оғриқли муаммоси саналади.

Балиқ озуқаси шунчаки омикта эмас. У бугдой, маккажўхори, арпа, соя ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, витаминлар, жами 22 хил компонентдан иборат бўлади. Ушбу хом ашёлар махсус технология асосида қайта ишланиб, сувда чўкмайдиган гранула ҳолига келтирилади. Бундай витаминлар билан бойитилган озуқаларни биз четдан оляимиз. Унинг ҳар килограмми ўртача етти-саккиз минг сўм атрофида. Агар балиқ озуқаларини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилса, ушбу тармоққа ихтисослаштирилган фермерларга озуқа экинлари етиштириш учун қўшимча ер ажратилса, балиқ таннархини уч марта арзонлаштириш мумкин.

Ютуқлар кўп, муаммолар ҳам кам эмас

«Ўзбекиликаноат» уюшмасидан маълум қилишларича, шу йилнинг 1 август ҳолатига қўра, 72 та балиқчилик хўжалигида 242 гектар майдонда интенсив усулда кичик сув ҳавзалари барпо этилган. Жорий йилда балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган қуввати 3450 тонналик 8 та цех ва қуввати 3225 тонна бўлган 13 та музлаткич ишга туширилди. Шунингдек, балиқ личинкалари ишлаб чиқарувчи 26 та инкубация цехи фойдаланишга топширилди. Тармоқда жаҳон тажрибасини олиб кириш мақсадида Вьетнам, Хитой, Россия, Эрон, Венгрия сингари давлатлар мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

Булар яхши, албатта. Лекин балиқ етиштириш ҳажмини оши-

риш, таннархини арзонлаштириш борасидаги вазифалар нечоғлиқ удаланипти?

— Уюшма раисининг биринчи ўринбосари Рухулла Қурбоновнинг айтишича, республикамизда йилга ўртача 70 — 80 минг тонна балиқ етиштирилмоқда. Ваҳолонки, Ўзбекистон аҳолисининг йиллик эҳтиёжи 400 минг тоннани ташкил этади. Бундан кўринадики, ҳали тармоқда қилинадиган ишлар кўп. Ечимини кутаётган муаммолар ҳам кам эмас.

Президентимиз томонидан қиска муддат ичида тармоққа дахлдор бир неча қарор имзолангани ҳам бу борада ҳал этилиши зарур бўлган масалалар тўғрисида қолганидан далолат беради. Чунки балиқчиликни бошқариш тизими йиллар даво-

ресурсларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолати қонирқили эмас. Ҳамон эски, ўзини оқламайдиган, самарадорлиги паст бўлган технологиялардан фойдаланиш устуворлик қилмоқда. Бунга тасаввур этиш учун айни пайтда атиги 8-9 фоиз балиқларини интенсив усулда боқиладиганини айтиш қифоя, назаримизда. Модомики, тармоқни таракқий эттирмоқчи эканмиз, бундан буюғига фақат интенсив технологияни қўллашимиз даркор.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридида энг асосий йўналиш сифатида хўжаликларни босқичма-босқич интенсив усулга ўтказиш белгилаб берилгани диққатга сазовор.

- Ҳозирги пайтда балиқчилик хўжаликлари томонидан 45 та табий сув ҳавзасига 3240 та қафас мосламаси ўрнатилиб, балиқ етиштирилмоқда.
- Балиқ личинкалари ишлаб чиқарувчи 26 та инкубация цехи фойдаланишга топширилган.
- Жорий йилда балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган қуввати 3450 тонналик 8 та цех ва қуввати 3225 тонна бўлган 13 та музлаткич ишга туширилди.
- Республикамаизда йилга ўртача 70 — 80 минг тонна балиқ етиштирилмоқда. Ваҳолонки, Ўзбекистон аҳолисининг йиллик эҳтиёжи 400 минг тоннани ташкил қилади.



Кластер — давр талаби

Бугунги бозор иқтисодиёти шароити барча соҳа олдиға янги талаблар қўймоқда. Балиқчилик ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, мавжуд имкониятлар билан

чеклаиб қолмасдан замон билан ҳамнафас иш юритиш, маҳсулот етиштиришнинг муқобил манбаларини қидириб топиш давр талабига айланган.

— Балиқчиликда аграр усулдан санаот усулига ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этапти, — дейди Рухулла Қурбонов. — Яъни ҳавзага балиқ чавоқларини ташлаб, табий ҳолда ривожланишини қўтиб ўтирмасдан, Хитой, Вьетнам, Венгрия, Германия каби давлатларда ўзини оқлаган интенсив усулларни изчил татбиқ қилишимиз зарур. Бунда, асосан, Хитой усулига аҳамият берилаяпти. Унинг афзаллиги шундаки, ҳавзаларни маълум даражада қичқиллаштириб, аэракторлар қўйиш ўртача маҳсулдорлиқни 15 — 20 центнердан 65 — 70 центнерга кўтартириш имконини беради. Шу каби илгор усуллар шароити билан яқин йилларда Ўзбекистонда харидоригр бўлган зогорабалиқ етиштиришни 70 фоиз ошириш мўлжалланаётгани қувонарли.

Тармоқдаги яна бир истиқболли йўналиш кластер усули ҳисобланади. Қарорда 2019 — 2021 йилларда балиқчилик кластерларини ташкил этишнинг манзилли дастури лойиҳаси ишлаб чиқирилиши белгилаб берилди. Бу балиқ чавоқлари етказилишидан тортиб, уни қайта ишлаш учун харид қилишгача бўлган жараёнлар тизимли равишда қамраб олинди, дегандидир.

Кискача айтганда, кластер кичик фермер хўжаликлари ҳамда аҳолига ҳар томонлама ёрдам бериши назарда тутади. Бу эса одамларнинг балиқчилик билан шуғулланиш истагини янада кучайтиради.

Очиги, бугун балиқчилик тармоғида бажарилган ишлардан қўра, ҳали қилиниши лозим бўлган юмушлар кўп. Бу давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Булар бўйича мутасадди ташкилотлар зиммасига қатор вазифалар қўйилганки, уларнинг ижросига жиддий киришилмоқда. Самара эса узоқ куттирмаслигига умид қиламиз.

Бинобарин, ушбу мақолада аҳолининг арзон балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласига тўхталик, холос. Унинг етказиб берилишидаги узилишлар, тез айнидиган мазкур маҳсулотни сотиш учун бозорлардаги, айниқса, олис ҳудуд ҳамда чекка қишлоқлардаги реал шарт-шароитлар, ихтисослаштирилган дўкон ва рестороанлар фаолиятидаги камчиликлар навбатдаги материалларимизга мавзу бўлади...

Санди РАҲМОНОВ, Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Таълим

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Тошкент шаҳар ёшлар марказида «Иттифоқ таълим гранти» совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа доирасида олий таълимнинг кундузги таълим йўналишида тўлов-шартнома асосида тахсил

55 нафар талабага грант сертификати берилди

олаётган чин етим, ногиронлиги бўлган, Меҳрибонлик уйида тарбияланган талабалар қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши-

нинг 800 миллион сўмлик рамзий сертификати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига топширилди. Жорий йил 55 нафар ижтимоий химояга муҳтож талаба таълим гранти серти-

фикати ва қимматбаҳо совғаларга эга бўлди.

Интернет манбалари асосида Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Самарқанд вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 262/2018-02-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 9 январда ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Самарқанд вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

T/p	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«NEXIA»	2007 й.	30 083 TAA	0031927
2.	«NEXIA»	2006 й.	30 535 GAA	0030927
3.	«NEXIA II»	2006 й.	30 206 DAA	0032321
4.	«DAMAS»	2006 й.	30 514 GAA	0030928
5.	«REYSER»	1995 й.	30 517 GAA	0030929
6.	«УАЗ 3151201»	1989 й.	30 518 GAA	0030921
7.	«УАЗ 3151201»	1989 й.	30 460 GAA	0030930
8.	«УАЗ 3151201»	1990 й.	30 476 GAA	0031925
9.	«УАЗ 31512»	1996 й.	30 513 GAA	0031919
10.	«УАЗ 31512»	1996 й.	30 495 GAA	0031926
11.	«УАЗ 3151»	1993 й.	30 526 GAA	0030922
12.	«УАЗ 3151210»	1996 й.	30 504 GAA	0030923
13.	«УАЗ 3151214»	1996 й.	30 506 GAA	0030924
14.	«УАЗ 3151214»	2001 й.	30 422GAA	0030925
15.	«УАЗ 31514»	1996 й.	30 892 RAA	0030926
16.	«УАЗ 3909»	2001 й.	30 846 RAA	0032322
17.	«УАЗ 3909»	2001 й.	30 489 GAA	0031920
18.	«УАЗ 39091»	1998 й.	30 483 GAA	0031921
19.	«УАЗ 3960»	1991 й.	30 461 GAA	0031922
20.	«УАЗ 453A»	1988 й.	30 512 GAA	0031923
21.	«УАЗ 452A»	1985 й.	30 470 GAA	0032323
22.	«УАЗ 452»	1986 й.	30 463 GAA	0031924
23.	«VOLKSWAGEN»	1997 й.	30 481GAA	0032325

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 19-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимиди белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нуسخа босилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



ISSN 2020-4788 4772010478801

Таҳририятта келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида тартибда ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан етказилади. Газетанинг полиграфик жадвалдан сифатан чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова. Навбатчи — Ш. Ғофуров. Мухассас — С. Исмаилов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 01.40 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси